КИНОЯ ШАХСГА ХОС ИБТИДОНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ СИФАТИДА

М.Шералиева

Мақолада ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Истеъфо” қиссасидаги киноя ўрганилган. Киноя қаҳрамоннинг характери ва шахсияти ўртасидаги ўзаро номувофиқлик билан алоқадорликда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *киноя, қисса, характер, шахсият, сарказм.*

Статья посвящена изучению особенностей иронии в повести Мурада Мухаммада Доста «Отставной». Ирония рассматривается в генетической связи с несоответствием между личностью и характером героя.

Ключевые слова: *ирония, повесть, характер, личность, сарказм.*

The article studies the problem of Irony in the story by M. Muhammad Do’st ‘Retired’. The irony is studied in connection with disagreement between personality and the character of the hero.

Key words*:irony, story, character, personality, sarcasm.*

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Истеъфо” қиссаси танқидчиликда турли талқин ва баҳоларга дуч келди. Қисса таниқли мунаққид Иброҳим Ғафуров томонидан профессионал ёзувчи қалами билан яратилган, аммо “Галатепага қайтиш” даражасида бадиий мукаммалликка эришолмаган асар деб баҳоланди [1]. Назаримизда, И.Ғафуров ёзувчининг эстетик объектидаги ўзгаришни – қаҳрамон типи ва унга ёндашувдаги янгиланишни ҳазм қилишга қийналган кўринади. Танқидчи Ҳамидулла Болтабоев И.Ғафуров тақризида қўйилган “асарнинг бош қаҳрамони Эломонов қандай одам?” деган саволни назарда тутиб, шундай ёзади: “Бироқ унга жавоб излашда мактаб дарсликларидан қулоқларимизга ўрнашиб қолган бир қолипдаги ва истеъдодли мунаққид қайта такрор қилишга ундаётган “у ижобий қаҳрамонми ёки салбий?” деган йўриқ Мурод Муҳаммад Дўст қаҳрамони учун (нафақат у қаҳрамон, балки ҳозирги насримизда яратилаётган кўплаб ўзига хос характерлар учун ҳам) торлик қилади” [2.84]. Дарҳақиқат, Ҳ.Болтабоев таъкидлаганидек, қаҳрамон қисса давомида ижобийлик даъво қилмайди, салбий тип сифатида ҳам унинг бутун фаолиятига қора чизиқ тортиб бўлмайди.

Эломонов одатдаги қолипларга сиғмайдиган қаҳрамон эканини ҳис қилгани учун бўлса керак, И.Ғафуров шундай ёзади: “Тамомила салбий дейишга тилингиз бормайди. Ахир, бу Эломоновга нисбатан инсофдан эмас-ку. Ижобий дейишга эса энг зарур инсоний фазилатлар – одамни одам қилган ва ижтимоий зотга айлантирган хусусиятлар етишмай тургандек” [3.244]. И.Ғафуров Эломоновда ана шундай фазилатларнинг энг муҳими сифатида самимийлик етишмаслигини таъкидлайди. Гап шундаки, И.Ғафуров “Истеъфо”нинг бош қаҳрамони талқинида кўпроқ унинг характерига урғу беради, шахсиятига хос белгиларни ҳам сохта деб билади (“Эломоновнинг тушунгани бизни унчалар қизиқтирмайди. Чунки бу тушунишнинг ўзида ҳам сохтагарчилик йўқ эмас” [3.245]). Ҳ.Болтабоев эса қаҳрамоннинг шахсиятидаги ўзгаришларга кўпроқ диққат қаратади (“Адиб “Истеъфо” қиссасида киши аввало ўзлигини англаб етиши, унинг ҳаётдаги ўрни, маънавий қиёфаси ва бошқаларга муносабати даражасини ҳам кўпроқ мана шу ЎЗЛИК белгилашини қисса воқеалари баёнида тушунтиришга уринган” [2.83]). Қаҳрамоннинг асосан ижтимоий қиёфасига урғу бераётган И.Ғафуров “Эломонов таниш билишчилик билан иш битириш иллати қаттиқ маддалаб кетган кунларнинг одами” сифатида кескин фош этилишини, муаллифнинг шунга мувофиқ позицияда туришини кутади.

Шунингдек, И.Ғафуровни қиссанинг бошқа бир қаҳрамони – Бинафшахон талқини ҳам қониқтирмайди: “ёзувчи Бинафшахоннинг муносабатларини эрнинг амалига ўрганганлиги билан изоҳлайди. Образни бироз қашшоқлаштириб қўяди. Бу ўринда ёзувчи жуда нозик психологик кузатишлар олиб бориши мумкин эди. Лекин автор материал имкониятидан фойдаланмайди. Штампроқ бўлиб қолган йўлдан боришни лозим кўради” [3.248]. Бизнингча, И.Ғафуров Эломонов ва Бинафшахон образларига китобхон сифатида икки хил этетик установка, икки хил талаб билан ёндашган кўринади. И.Ғафуров талқинидаги парадокс шундаки, у Эломоновнинг *тушуниб тасвирланган*ини ҳазм қилолмайди, ёзувчидан қаҳрамоннинг стереотипик талқинини, ижтимоий типнинг дадил фош этилишини кутади; Бинафшахон талқинида эса, аксича, ёзувчининг уни тушуниб тасвирлашини, характернинг психоло-

гик жиҳатларига кўпроқ диққат қилишини истайди. И.Ғафуров қўяётган талаб субъектив нуқтаи назардан мантиққа эга: Эломонов образидаги ижтимоий иллатларни фош этиш ҳамда уни жамиятдаги негатив ҳолатларнинг сабабчиси сифатида инкор этиш учун унинг хотини билан муносабатларида Бинафшахонни тушуниб тасвирлаш, албатта, И.Ғафуров кутган натижага олиб борган бўлар эди. Бироқ бу тарздаги бадиий талқин М.Муҳаммад Дўст ўз қаҳрамонларида кўраётган инсоний моҳиятга мувофиқ келмасди.

И.Ғафуровнинг қиссадаги икки образга икки хил талаб билан ёндашувини маъқулламаган ҳолда, ёзувчи бу икки образга нима учун икки хил муносабатда бўлгани ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Муаллифнинг Эломонов ва Бинафшахонга, шунингдек, Буюк Тўлқинов, Қўшшаев образларига муносабатида жиддий фарқ сезилади. Ушбу фарқни юзага келтираётган энг муҳим нарса – персонаждаги *шахсият* масаласидир. Муаллиф Эломоновга қандай ижтимоий-маънавий меъёр талаблари билан ёндашган бўлса, Бинафшахон, Қўшшаев, Буюк Тўлқиновга ҳам айни меъёр талаблари асосида муносабатда бўладики, бунда, асосан, инсоннинг ўзлигига, шахсиятига муҳим урғу берилади.

Қиссада ижтимоий роли (воҳа миқёсидаги катта раҳбар) имтиёзларига ўрганиб қолган, кейинги ижтимоий ролига – кераксиз одам мақомига кўниколмай қийналаётган қаҳрамоннинг *шахсияти* қайта уйғонаётганига гувоҳ бўламиз. Қисса қаҳрамони Эломоновда шахсиятнинг қайта уйғониши ёки, бошқача айтганда, қайта ижтимоийлашув жараёни унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга муносабатида киноя юзага келтиради. Бунда ёзувчи ва қаҳрамон киноя битта асосга – муаллифнинг ижтимоий-маънавий меъёр ҳақидаги қарашларига таянади. Айни меъёрга зид ҳолатлар киноявий инкор қилинади. Бу ўринда таъкидлаш керакки, муаллифнинг қаҳрамонларига икки хил ёндашуви ёзувчига эмас, қаҳрамонларнинг ўзига боғлиқ сабаб билан рўй беради.

Эломоновда шахсият уйғоняпти, шу сабаб у ўзининг ўтмишдаги хатолари, бугунги кундаги ожизликларини англаб, уларни енгишга уриняпти. Бинафшахонда эса шахсият етишмайди, у ўзи ҳақидаги сохта тасаввурлар билан яшашда давом этяпти. Шу сабаб ёзувчининг ҳар иккисига муносабатидаги киноя ҳам фарқ сезилади. Эломоновга муносабатдаги киноя кўп ҳолларда қаҳрамоннинг ўз-ўзига киноясини кўринишига ўтади, ундаги шахсият ўз-ўзига танқидий муносабатга имкон беради. Бинафшахонда эса шахсият ноль даражада, унда фақат ўзининг ижтимоий қиёфаси ҳақида сохта тасаввурлар мавжуд, ўзини ана шу сохта тасаввурларига мувофиқ тақдим этишга уринади. Шунинг учун ҳам муаллифнинг Бинафшахонга киноявий муносабати ўзини англамаган инсонга нисбатан сарказм даражасидаги киноядир. Ёзувчининг персонажга муносабатини қолипга солаётган нарса, И.Ғафуров айтганидек, ёзувчининг штампроқ йўлдан боргани эмас, балки персонажнинг ўзи қолипдаги инсон эканлиги, ана шу қолипдан чиқиб кетиш учун унда шахсият, индивидуаллик етишмаётганлигидир.

Қиссада нафақат Бинафшахон, балки Эломоновнинг муовини Қўшшаев, қўшниси, театр директори Буюк Тўлқинов ҳам муаллифнинг сарказм даражасидаги киноя объектига айланган. Қўшшаев антагонист қаҳрамоннинг барча хислатларига эга (фирибгар, ёлғончи, аблаҳ), лекин унинг “қурбон”и Эломонов протогонист қаҳрамон эмас – Эломоновга мана шуниси алам қилади.

“Қўшшаев–Эломонов” муносабати беихтиёр ёзувчининг “Галатепага қайтиш” қиссасидаги “Самад–Ғайбаров” схемасини эслатади. “Истеъфо”га Тошпўлат Ғайбаров образининг киритилиши тасодиф эмас – ёзувчи ушбу образга ўзининг ижтимоий-маънавий позициясини ифода этишдаги таянч нуқта деб қарашда давом этади. Шу билан бирга “Галатепага қайтиш” қиссасида “Самад–Ғайбаров” муносабатлари орқали ифодаланган муҳим бир ижтимоий муаммони “Истеъфо”да янги бир босқичда таҳлил этади. Ёзувчи илгари сураётган ижтимоий-маънавий меъёр ҳақидаги қарашларга кўра, жамиятда кишининг шахсан ўз ҳалоллиги камлик қилади, инсон оқ-қорани вақтида мустақил ажратиб олишга, атрофдагиларнинг кимлигини тўғри англаб, шунга мувофиқ йўл тутишга ҳам масъулдир. Қиссада муаллифнинг Эломоновга муносабатидаги киноянинг асосий сабаби шунда – Эломоновда юқоридаги сифатлар етишмайди. Унинг муовини Қўшшаев эса Эломонов характеридаги айни етишмовчиликдан *онгли равишда* фойдаланади, ўзининг аблаҳлиги ҳамда Эломоновнинг бўшанг ва гўллигини теппа-тенг баҳолайди: “Қўшшаев кулди, сизга осон, гражданин Эломонов, деди, *сизнинг айбингиз ҳеч қайси моддага тўғри келмайди!*” [4.122]. Қўшшаевнинг кинояси композицион нуқтаи назардан муҳим функция бажаради: китобхонни қаҳрамондан, қаҳрамонни эса ўз-ўзидан четлаштиради; қаҳрамоннинг ўз-ўзига киноясини тушунишга, қабул қилишга тайёрлайди.

“Истеъфо”даги муаллифнинг кинояси “Галатепага қайтиш” қиссасидаги каби ҳамдардликка йўғрилган. Бироқ бу – қаҳрамон билан деярли ҳамфикр, маслакдош кишининг ҳамдардлиги эмас, балки ижтимоий фикр, дунёқараш борасида илгарилаб кетган, қаҳрамондан “бир бош баланд” турадиган одамнинг кинояси. Эломоновнинг ўз-ўзига кинояси эса уни муаллиф позициясига аста-секин яқинлаштира боради.

Ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англамаган, англашни истамаган Бинафшахонга муаллиф муносабати аниқ – ёзувчи кинояси Бинафшахонни маънавий-ахлоқий жиҳатдан инкор қилади. “Бинафшахон... *бўйнида шеър ёзганда тақадиган тақинчоқлари, фаранги атирнинг бўйларини ҳар ён таратиб*...” ёки Эломонов тилидан айтилган “Албатта, сиз хотин-қизман, деб айтишингиз мумкин... Лекин *хотин-қиз бўлишнинг ўзигина фазилат эмас-да*, хоним” каби ўринларда Бинафшахон табиатидаги сохталик, ўз хатти-ҳаракатларининг кулгили жиҳатларини англамаслик киноявий усулда инкор қилинади.

Эломоновга муносабатда эса ёзувчи уни бутунлай инкор қилмагани ҳолда, тўла хайрихоҳ ҳам эмас. Юқори лавозимда эканида Эломонов одамларнинг ўзига муносабатини шахсига муносабат тарзида қабул қилган эди. Аслида одамлар Эломонов билан эмас, унинг ижтимоий мақоми билан муносабатда бўлишган экан. Шу ўринда Эломоновни рус ёзувчиси Н.Гоголь қаҳрамонлари билан қиёслаш мумкин. Эломонов Гоголнинг “Шинель” ва “Бурун” қиссалари қаҳрамонлариникига ўхшаш вазиятга тушиб қолади. Инсоннинг қадр-қимматини унинг ижтимоий мақоми белгилайдиган жамиятда яшаётган Башмачкин ва Ковалёв учун *шинель* ва *бурун* детали ана шу ижтимоий мақомни кўрсатадиган рамзга айланган. Яъни шинелсиз Башмачкин ва бурунсиз Ковалёв жамиятда ўзини тўлақони ҳис қилолмайди, чунки ижтимоий муҳит учун Башмачкин ва Ковалёвнинг ўзи, шахсияти эмас, шинели ва бурни муҳим. Гоголь ўз қаҳрамонларини шинелсиз ва бурунсиз ҳолда тасвирлар экан, уларни яратган воқеликка муносабатидаги сарказмни яширмайди.

“Шинель” ва “Бурун” асарларининг “Истеъфо”-дан фарқи шундаки, Гоголь ўз қаҳрамонларига улардан тамомила четлашган ҳолда муносабатда бўлади, улар ўз-ўзига киноя қилишга қодир эмас. Қаҳрамоннинг ижтимоий муҳит таъсирида шаклланган *характери* Гоголнинг диққат марказида туради. Шу сабаб ҳам ёзувчи қаҳрамоннинг ички оламига эмас, ташқи атрибутига, унинг шахсиятига алоқасиз белгиси (*шинель, бурун*)га диққатни тортади. Қаҳрамон яшаётган муҳит ундаги шахсиятни бутунлай емириб ташлаган, унда фақат ижтимоий муҳит таъсирида шаклланган қарашлар, одатлар ва муносабатлар бор, холос. Шунга кўра, мазкур қиссаларда муаллифнинг қаҳрамонларга киноявий муносабати тобора кучайиб бораверади.

“Истеъфо”да *мансаб*, *лавозим* Гоголь қиссаларидаги шинель ва бурун деталлари каби бадиий функция бажаради: қиссада *мансаб*сиз қолган Эломоновнинг вазияти бадиий таҳлил этилади. Гоголь қаҳрамонларидан фарқли тарзда, М.Муҳаммад Дўстнинг қаҳрамони шахсиятини фаоллаштириш орқали инсоний қадр-қимматини мансабга, ижтимоий мақомига боғлиқ бўлмаган шаклда белгилашга уринади. Эломоновнинг ўз-ўзига киноясини характеридаги заиф жиҳатларга ўз шахсияти томонидан туриб берилган баҳодир.

Эломонов ҳаётининг айнан ўтмишдаги ва ҳозирги ҳолатини қиёслашга имкон берадиган воқеаларнинг тасвирланиши нафақат муаллиф, балки қаҳрамоннинг ўз-ўзига киноясини ҳам асослайдиган қулай сюжет вазиятини яратади. Айтиш мумкинки, ёзувчини иллюзиялар дунёси билан асл ҳақиқатни қиёслаб кўраётган одамнинг ҳолати қизиқтиради. Ўз вазифасидан истеъфо бергандан сўнг ҳозирги аҳволи билан илгаригисини қиёслаб кўра бошлаган, атрофидаги одамларнинг муносабатидаги ўзгаришни сезган Эломонов илгари ўзи англамаган ҳақиқатларни тушуна бошлайди, хусусан, фирибгар муовини Қўшшаев айтган “ҳеч қайси моддага тўғри келмайдиган айблари”ни тан олишига тўғри келади. Шунга кўра, ёзувчининг муносабатидаги киноя ўз-ўзига киноя хусусиятига эга:

“ – Рост айтасиз, Бинафшахон, - деди Эломонов. – *Ҳўкиздай ишлабман, юмшоғу зарангини сўрамабман ҳам... Кимнинг ерини ҳайдаганимни энди тушундим, энди, омочга ярамай қолганимда*...” [4, 94].

Эломонов ўз хоҳиш-истаклари билан мавжуд аҳволи ўртасидаги зиддиятни англаб туради, ўзининг жамиятдаги ўрни илгари ўйлаганидек муҳим эмаслигини ўйлаб эзилади. Шу маънода киноя қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришлар ифодасига ҳам хизмат қилади. Бу жиҳатдан А.Лебедевнинг ўз-ўзига киноя ҳақидаги фикрлари Эломонов руҳиятида кечаётган ўзгаришларни ёрқин ифодалайди: “Ўз-ўзига киноя қайсидир маънода шахсни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бу изтиробдан сақланишнинг яхши воситаси. Ўз-ўзига киноя инсоннинг нимадандир сабоқ чиқаргани ва ҳеч нарсани унутмаганининг белгисидир” [5, 80].

Эломоновнинг ўзини қайтадан англаш жараёни изсиз кетмади. “Мен тамом бўлганим йўқ, – дейди Эломонов асар сўнгида. – Менинг ҳаётим энди бошланади” [4, 160].

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёзувчи М.Муҳаммад Дўстнинг “Истеъфо” қиссасидаги киноя Эломонов ҳамда Бинафшахон, Қўшшаев, Буюк Тўлқинов каби қаҳрамонларга муаллиф муносабатини ифодалашда фарқли хусусиятларга эга. Бу фарқ қаҳрамоннинг ўз характери ижтимоий-маънавий меъёрга қай даражада мувофиқлигини ўзи англай олишига, шахсиятга хос белгиларнинг даражасига боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Ғафуров И. Зерикарли одамнинг истеъфоси / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1984. – 6 июль.
2. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Т.: Фан, 1992. – 104 б.
3. Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 400 б.
4. Муҳаммад Дўст М. Истеъфо // Муҳаммад Дўст М. Дашту далаларда. Қисса ва ҳикоялар. – Т.: Ёш гвардия, 1989. – 224 б.
5. Бочаров А. Сообщительность иронии. // Вопросы литературы. 1980. – №12. – С. 74–114.

Андижон давлат университети,
2016 йил 1 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)